

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

366 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш тўғрисида» 2017 йил 15 мартдаги ПК–2836-сон қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 31 мартдаги ПФ–4996-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 май,
286-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 майдаги 286-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар марказларида ва шаҳарлардаги ташқи ёритиш тизимларини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 4 мартдаги 68-сон қарорига 2-иловадаги (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 9-сон, 95-модда) «Хошимов Ш.Р. — Лойиҳаларнинг ТИА экспертизадан ўтказиб баҳолаш агентлигининг директори» сўзлари чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида Жаҳон бозорлари, инвестициялар ва технологияларни таҳлил қилиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 5 майдаги 143-сон қарорига 2-иловадаги (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 18-сон, 203-модда) «Хошимов Ш.Р. — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини, техника ва технологияларни экспертизадан ўтказиб баҳолаш агентлигининг директори» сўзлари «Ахмедходжаев А.И. — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 майдаги 286-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этиладиган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 20 июлдаги 197-сон қарорига илова II бўлимининг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 7-сон, 6-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини етказиб беришга шартномаларни (контрактларни) экспертизадан ўтказиш ва уларнинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 15 мартдаги 77-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 3-сон, 18-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида» 2016 йил 29 мартдаги 95-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Тўқимачилик асбоб-ускуналарининг асосий турларини етказиб беришга шартномаларни (контрактларни) экспертизадан ўтказиш ва уларнинг замонавий технологик талабларга ва жаҳон нархлари даражасига мувофиқлиги юзасидан хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2017 йил 15 февралдаги 83-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 2-сон, 13-модда).